

**“Ўзбекнефтегаз” АЖ ва Давлат Мехнат  
Инспекцияни нинг  
2018 йилда нефт ва газ саноати тармоғи  
корхоналарида содир бўлган баҳтсиз  
ходисалар бўйича таҳлили**

**ЎзҲҚ - 2019 йил**

# Огохлантирувчи маълумот



бахтсиз ҳодиса ёки касб  
касалликлари натижасида:

- 1) ҳар 3 дақиқада 1 ишчи  
халок бўлади,
- 2) ҳар сонияда эса, 4 ишчи  
жароҳат олади.



**бахтсиз ҳодисалар**  
натижасида ўлим билан тугаган  
холатлар, ҳозирги вақтда юрак –  
қон айланиш ва онкологик  
касалликларидан кейин  
**З-чи ўринни эгаллайди**



# №1 Бахтсиз Ҳодиса

(Давлат Мехнат Инспекцияси маълумоти)



**2018 йил 10 январь куни**

Бухоро газ тулдириш станциясида қуючи оператор билан содир бўлган оқибати турли даражали қуиши олганликлари билан тугаган бахтсиз ҳодиса.

## Қуиши тўкиши ишларини бажаришда учқундан ёнғин чикиши



### Бахтсиз ҳодиса сабаблари

1. Автоцистерна ва тўкиши шлангининг ер билан туташтирилмаганлиги
2. Газ сизиб чикиши бўйича хавфсизлик чораларига эътиборсизлик
3. Жабрланувчи газ хавфли ишларини бажариш олдин хайдовчидан автомашина калитини олмаганлиги.
4. Хайдовчи узбошимчалик билан(хавфли омилларни йуклигини текширмай) автомашинани хайдаб кетиши оқибатида ёнғинни катталашишига сабаб булиши
5. Газ қуиши тикиши буйичак назорат килинмаганлиги
6. Технологик интизомнинг сусайтириб юборилганлиги.

# №2 Бахтсиз Ходиса


(«Узбекнефтегаз» АЖ маълумоти )



2018 йил 14 январь куни соат 02:10 ларда

“Фарғона НҚИЗ” МЧЖнинг темир-йўл эстакадасида қуючи-тўкувчи билан содир бўлган оқибати **ўлим билан** тугаган бахтсиз ҳодиса.

## Қуишиш-тўкиш ишларини бажаришда баландликдан йиқилиб тушиш



### Бахтсиз ҳодиса сабаблари

1. Жабрланувчи хавфли газ ишларини ёлғиз бир узи бажарган, бундан ташқари баландликда бажариладиган ишларни қутқарув камарисиз амалга оширган.
2. Ҳодиса содир бўлган вақтда жабрланувчининг белида қутқарув камари ва газ ниқоби бўлмаган. Кутқарув камари ва газ ниқоби эстакадага чиқишда ўнг томонга осиб қўйилган.
3. Бригада бошлиғи томонидан, газдан хавфли ва баландликда бажариладиган ишларни бажариш учун қуючи-тўкувчининг ёлғиз ўзини қолдирганлиги.
4. Технологик интизомнинг сусайтириб юборилганлиги.




# №3 Бахтсиз Ходиса

(«Узбекнефтегаз» АЖ маълумоти)

2018 йил 26 январь куни соат 16:00 лар чамасида

Кўқон шахар «Кўқон механика заводи» АЖнинг қозончиси билан содир бўлган,  
оқибати **оғир жароҳатланиш** билан тугаган бахтсиз ҳодиса.

## Кутарилаетган ва нотугри илдирилган юкнинг тушиши



## Бахтсиз ҳодисанинг сабаблари

1. Темир листларни техникаларга юклаш ва тушириш ишларни тўғри ташкил қилинмаганлиги.
2. Цех бошлиғи ўринбосари томонидан листларни илиш ишларини тўғри ташкил қилмаганлиги.
3. Қозон пайвандлаш цехи қозончи вазифасида ишловчи ўзининг эҳтиётсизлиги ва хавфсизлигини тўлиқ таъминламаганлиги.
4. Қозончилар баландликка кўтарилиган ва кўчирадиган юк ёнида булганлиги, ва хавфсиз жойга кетмаганлиги.
5. Кранчи юкни нотугри илдирилганини билиб туриб юк-кутариш ишларни бошлаганлиги



# №4 Бахтсиз Ходиса

(Давлат Мехнат Инспекцияси маълумоти)

**2018 йил 7 февраль куни**

“Нефтгазтадкикот” АЖда техник билан содир бўлган оқибати турли даражали жароҳат олганлиги билан тугаган бахтсиз ҳодиса..

**Иш майдончаси билан таъминланмаган шароитда фланецдаги шпилкаларни қотириш**



## Бахтсиз ҳодисанинг

### Сабаблари

1. Техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмасдан ишни баландликда олиб борганлиги (хавоза йук, иш майдони йук)
2. Гайкаларни қотириш учун задвижка устида утирганлиги,
3. Асбоблар билан хавфсиз иш олиб боришини йулларини тула билмаганлиги
4. Рахбарият томонидан етарли назорат ўрнатилмаганлиги, ва ишчиларга йурикнома томонидан тўлиқ хамда сифатли ўтказилиши таъминланмаганлиги

# №5 Бахтсиз Ҳодиса

( АЖ «Узбекнефтегаз» маълумоти)



**2018 йил 21 апрель куни соат 07:30 атрофида**

“Косон нефть газ қидирав экспедицияси” МЧЖ Ғузор филиалининг “Совлигар” бурғилаш майдонидаги 3-сонли бурғилаш обьектида ёрдамчи бурғиловчи билан содир бўлган, оқибати ўлим билан тугаган баҳтсиз ҳодиса

**Бурғилаш қувурларини ечиб олиш жараёнида УМК ҳаракати хавфли худудида туриш**



## **Бахтсиз ҳодиса сабаблари.**

1. Кўп ўлчамли универсал калити ҳаракати радиусида ва тортувчи арқон яқинида турган ёрдамчи бурғиловчини таъсир радиусидан чиқариб юбормасдан, бурғиловчи универсал калитни тортиш механизми ёрдамида тортиб юборган.
2. Бурғилаш устаси ёрдамчиси жихоз, механизм ва асбоб-усқуналарни соз ҳолатда ва тўғри фойдаланишини етарлича назорат қилмаган.
3. Бурғилаш устаси бурғилаш бригадаси томонидан кудуқларни ўзлаштириш ишларида методик ва техник раҳбарлик қилишни сусайтирган
4. Ердамчи бурғиловчи бурғилаш қувурларини ажратиш (ешиш) вақтида қўп ўлчамли универсал калитини ҳаракати ва тортувчи арқон радиуси доирасида турган.

# №6 Бахтсиз Ходиса

(«Узбекнефтегаз» АЖ маълумоти)


2018 йил 12 май куни соат 11:30лар атрофида



“Шўртан газ кимё мажмуаси” МЧЖни Электр таъминоти цехи “Электротехник лабораторияси” электромеханиги **ўлими** хамда электромонтёр **оғир жарохатланиши** билан содир бўлган бахтсиз ходиса.

## 6 КВ электр қурилмасида ревизия ишларини бажаришда электр токидан жабрланиш

### Бахтсиз ходиса сабаблари



- Қўл остидаги ходимлар ишни хавфсиз ташкил этилиши бўйича ишларни назоратига олмаганлиги, хамда **“433- наряд-руҳсатномани” расмийлаштирилишида камчиликларга йўл қўйганлиги**.
- Уста томонидан 433-наряд руҳсатномада иш бошқарувчи сифатида иш жойи хавфсизлик талаблари асосида тайёрламаган, бригада аъзоларига иш бўйича бир марталик йўриқнома ўтмаган, иш олиб бориш жойлари ва юқори кучланиш бор жойларини белгилаб бермаган, бригада аъзоларини ишга қўйишдан олдин иш жойини текширмаган, ишни хавфсиз бажарилишини назорат қилиб бормаган.
- 433-сонли нарядга асосан иш хажмидан келиб чиқсан ҳолда хавфсизлик чораларини тўлиқ бажарилганлигини текширмасдан ишни бажаришга руҳсат этилиши.
- Иш вақтида химоя воситаларидан фойдаланиш, ишга кўювчидан кучланиш йўқлигини текшириб беришини талаб қилиши, қандайдир шубҳа хосил бўлганда ишни тўхтатиб, иш бошқарувчидан тушунтириш сўраши, иш бажариш чегарасини ва огохлантирувчи плакатларни осилишини талаб қилмаганлиги, иш жараёнида хавфсизлик техникиси талабларига амал қилмаганлиги.

# №7 Бахтсиз Ҳодиса





(«Узбекнефтегаз» АЖ маълумоти)

2018 йил 17 июн куни соат 12:00лар атрофида



Чирчиқ харбий қисм худудида иш олиб бораётган “QURLISHIZOLASIYASI” УКнинг монтажчиси билан содир бўлган, оқибати ўлим билан тугаган бахтсиз ҳодиса.

## Тусиқлар йуқлиги ва химоя камаридан фойдаланмаслик оқибатида баландликдан йиқилиб тушиш



### Бахтсиз ҳодиса сабаблари

- Хавозадан фойдаланишида, унинг ишчи тушамаси (майдончаси)нинг ён тўсиқлари ечиб қўйилганлиги.
- Монтажчи хавозада иш бажараётиб, химоя камарини ечган.
- Махсус ўтириш учун мўлжалланмаган пластмассадан ясалган челякка ўтирган вақтида, челяк унинг оғирлигига дош беролмай синиб кетиши натижасида 6 метр баландликдан йиқилиб тушган.

# №8 Бахтсиз Ходиса


( «Узбекнефтегаз» АЖ маълумоти)



**2018 йил 23 июль куни соат 11:20лар чамасида**

“Күкөн нефть газ пармалаш ишлари” АЖНИНГ “Учтепа” майдонида 1(Юра)-сонли бурғилаш қудуғида элетргазпайвандловчи билан содир бўлган, оқибати ўлим билан тугаган баҳтсиз ҳодиса.

**электрпайвандлаш ишларида электр хавфсизлик талаблари бузилиши**



## **Бахтсиз ходиса сабаблари.**

1. Электргазпайвандчи томонидан иш жойининг ноқулийлиги ва торлиги хамда хавфли кучланиш мавжудлигидан келиб чиқсан ҳолда хавфсизлик чораларини кўрмаганлиги, маҳсус брезент матоли иш кийимида бўлмаган-лиги ва ЦА-320 агрегати тўлиқ рама қисми “масса” остида бўлганлиги, асосий кабелнинг ишчи дастаги (держак) орқали пайвандчининг, об-хавони исиши оқибатида устида бўлган иш кийими терлаш оқибатида нам холатга келганлиги, танасининг бир вақтнинг узида пайвандлаш трансформаторнинг иккиламчи занжирининг ток ўтказувчи қисмларига бехосдан тегиб кетганлиги.
  2. ЦА-320 агрегатни ҳайдовчиси бошқаларга иш буюриш ҳуқуқига эга бўлмасада, иш жойидаги маъсул раҳбарларини хабардор қилмасдан электргазпайвандловчига оғзаки равищада электрпайвандлаш ишларини бажариб беришини сўраган.

# №9 Бахтсиз ҳодиса

(Давлат Мехнат Инспекция маълумоти)



2018 йил 6 август куни

“Нефтгазускунамонтаж” унитар корхона чилангар билан содир бўлган, оқибати **жароҳат** билан тугаган бахтсиз ҳодиса.

## Юриб кетаётган трактор тиркамаси устидан сакраш



### Бахтсиз ҳодиса сабаблари.

1. Тиркамага одамлар чикмаслиги чоралар курилмаган
2. Рахбарларнинг назорати сусайтириши

# №10 Бахтсиз Ҳодиса

( АЖ «Узбекнефтегаз» маълумоти)



**2018 йил 4 октябрь куни тахминан соат 21-30лар атрофида**

“Муборакнефтгаз” масъулияти чекланган жамиятига қарашли Зеварда-Кўқдумалоқ нобарқарор газ қувурининг 18 кмда таъмирлаш ишларини тутатилиши билан “Махсустранс” унитар корхонаси ҳайдовчиси билан, автомашинанинг ўт олдириш вақтида портлаб кетиши ва ундан сачраган оловдан атрофда ёнғин чиқиши натижасида, содир бўлган ва оқибати ўлим билан тутаган бахтсиз ҳодиса.

## Тизимидан газ сизиб чиқаётган автомобилни ўт олдириш



### Бахтсиз ҳодиса сабаблари:

УАЗ 31514 русумли, 70/599 МАА давлат рақам белгили автомашина

1. Ўналишга чиқиши олдидан "Зеварда" автосафидан техник кўрикдан сифатсиз ўтказилган,
2. автомашинада қўлбола газ баллонини олиб юришига йул қўйилган (газ ускунасидан газ чикиш эҳтимоли бор).
3. "Муборакнефтгаз" масъулияти чекланган жамияти магистрал газ қувурларини ишлатиш бўлинмаси бошлиғи жамиятга қарашли Зеварда - Кўқдумалоқ нобарқарор газ қувурининг 18 кмда кечиктириб бўлмайдиган газдан хавфли ишларни бартараф этиш учун Харбийлаштирилган қисмнинг газдан кутқарув хизмати(ГҚХ) вакилларининг иштироқини таъминламаган

# №11 Бахтсиз Ҳодиса

(Давлат Мехнат Инспекция маълумоти)



**2018 йил 10 ноябрь куни таҳминан соат 17-30лар атрофида**

“Олот нефть ва газ кидирув экспедиция” МЧЖ юк ташувчи таминотчи билан ЙТХ учраганли натижасида содир бўлган ва оқибати ўлим билан тугаган бахтсиз ҳодиса.

## Автомобиль (камаз) Йўл транспорт ҳодисаси



1. **Бахтсиз ҳодиса сабаблари.**  
Хайдовчи йул харакати хавфсизлиги қоидарарига риоя килинмаганлиги

# №12 Бахтсиз Ҳодиса

(Давлат Мехнат Инспекция маълумоти)



**2018 йил 14 ноябрь куни тахминан соат 05-00лар атрофида**

“Олот нефть ва газ кидирув экспедиция” МЧЖ пармаловчи ёрдамчи билан **жароҳат** билан тугаган бахтсиз ҳодиса.



## **Бахтсиз ҳодиса сабаблари.**


1. Иш уринлари, ускуналари, тусувчи ва сакловчи курилмалар, асбоблари, шахсий химоя воситалари меҳнати хавсизлик талабларига мос келмаганлиги
2. Техник хужжатлари тугри юритилиши назорат килинмагани
3. Траспорт воситалари, юқ кутариш механизмлар, санитар техник курилмалар бино ва иншоатлар таъминламаган

# Бахтсиз ҳодисалар таҳлили

**Бахтсиз ҳодисалар содир бўлишининг асосий сабаблари қўйидагилардан иборат:**

- хар бир ишчи ва муҳандис-техник ходимлар учун ишлаб чиқилган лавозим йўриқномаларни талабларига амал қилинмаганлиги, маъсул муҳандис-техник ходимлар ва иш бажарувчилар томонидан ишлаб чиқариш, технологик тартиби (режим) ва меҳнат интизомининг бузганлиги, ускуналарнинг бузук ҳолатлари, конструкциялар ёки мосламаларнинг мукаммал эмаслигидадир, буларнинг ҳаммаси эса инсонийлик омиллари билан боғлиқ, ҳамда ишларни хавфсиз олиб бориш талаблари бузилиши ва ишларни ташкил қилинишини қониқарсизлигидадир.

№	Бахтсиз ҳодиса сабаблари
1	Ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомининг бузилиши
2	Ишни ташкил қилиш қониқарсизлиги
3	Ишларни хавфсиз олиб борилиши талаблари бузилиши.
4	Ускуналарни бузук ҳолатлари, конструкциялар ёки мосламаларнинг мукаммал эмаслиги.
5	ШХВ ва ҳимоя воситаларидан фойдаланмаслик, хавфсиз иш олиб бориш усусларининг амалиётини ўргатиш етарли эмаслиги.
6	Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилиши.



1-расм. 2018 йил нефтгаз соҳасида ишлаб чиқаришдаги жароҳатланиш, содир бўлган баҳтсиз ҳодисаларнинг сабаблари бўйича тақсимланиши.

# 2018 йилда содир бўлган баҳтсиз ҳодисаларниң асосий сабаблари

- корхоналарда олдинги йилларда бўлиб ўтган баҳтсиз ҳодисалар сабабларининг масъул ходимлар иштирокида кенгайтирилган йиғилишларда барча цех ва тармоқлар ишчи хизматчилар ўртасида муҳокама қилиниб ва шунга ўхшаш баҳтсиз ҳодисаларга йўл қўймаслик чора-тадбирларни амалга ошириш ишларини, баҳтсиз ҳодиса содир бўлган корхоналарда, **биринчи раҳбари томонидан назорат қилинмаганлигини кўрсатади**;
- ишлаб чиқариш объектларида **1, 2 ва 3 - босқич назоратининг сифатсиз ўтказилаётганлиги**, яъни иш устаси ва цех (участка) бошлиқлари томонидан хавфсизлик меъёрлари бузилишларига эътибор қилмасдан, маҳсус назорат дафтарига кундалик ишларни қайд этиб борилмаётганлиги. Иш раҳбарларининг 1 ва 2 - босқич назоратини қай тарзда ўтказиш лозимлиги тўғрисида умуман тасаввурга эга эмасликлари;
- ишларни бажариш олдидан ишчилар билан **юзаки йўриқномалар ўтказилиши**;
- ишчиларни иш жойларига юбориш, хавфли ишларга рухсат бериш олдидан ишчиларнинг бажариладиган иш турига кўра зарур бўладиган **ҳимоя воситалари билан таъминланишини назорат қилинмаслиги**;
- иш раҳбарлари ҳамда ишчи ва ходимларнинг **хавфсизлик техникаси бўйича билим савиясини пастлиги**;
- иш бажарувчи ва кичик раҳбарлар томонидан **хавфсиз ишлаб чиқариш ва технологик талабларини бузилиши**;
- ишлаб чиқариш жараёнида барча ишларнинг амалдаги йўриқномалар асосида хавфсизликни таъминлангани ҳолда ташкил этилиши устидан **етарлича назорат ўрнатилмаётганлиги**.

## Жароҳатланишнинг ашёвий омиллари.

**2018 йил мобайнида ишлаб чиқаришдаги жароҳатланишлар тахлили шуни кўрсатдики, жабрланганларнинг энг катта микдори, ашёвий омилларининг сабаблари бўйича содир бўлган:**

- -“Электр токдан шикастланиш”дан 2табаҳтсиз ҳодиса содир бўлди,унда 3 киши тан жароҳати олган,бу умумий жабрланганларнинг 37,5% ни ташкил этди.
- -“Баландликдан тушиб кетиш, ускуналарни ва асбоблар қисмларининг қулаши” -2та баҳтсиз ҳодиса содир бўлди, унда 2 киши тан жароҳати олган, бу умумий жабрланганларнинг 25,0% ни ташкил этди.
- - “Бурғилаш харакат бўлимлари, нефть ва газ конларини, завод ва машинасозлик ускуналари” - 1та баҳтсиз ҳодиса содир бўлган,унда 1 киши тан жароҳати олган, бу умумий жабрланганларнинг 12,5% ни ташкил этади.
- - “Автомобиль, трактор, автокран ва бошқа ҳаракат воситалари”- 1та баҳтсиз ҳодиса содир бўлган,унда 1 киши тан жароҳати олган, бу умумий жабрланганларнинг 12,5% ни ташкил этади.
- -“Заҳарли моддалар (заҳарланишлар), куйиб қолиш”- 1та баҳтсиз ҳодиса содир бўлган,унда 1 киши тан жароҳати олган, бу умумий жабрланганлар-нинг 12,5% ни ташкил этади.



**2 - расм. 2018 йил нефтгаз соҳаси бўйича ишлаб чиқаришдаги жароҳатланишларни ашёи омиллари бўйича тақсимланиши.**

# Жабрланган ходимларнинг ёши ва иш стажи бўйича

## тахлили

“Узбекнефтегаз” АЖ маълумоти

Жабрланганларни ёшлари, ёш	Жабрланганларни сони, киши
20 дан 30 ёшгacha	2
30 дан 40 ёшгacha	3
40 дан 50 ёшгacha	1
50 дан 60 ёшгacha	2
<b>Ж А М И</b>	<b>8</b>

Жабрланганларни стажи, йил	Жабрланганларни сони, киши
5 йилгacha	2 киши
5-10 йилгacha	1 киши
10-20 йилгacha	4 киши
20-30 йилгacha	1 киши
<b>Ж А М И</b>	<b>8</b>

# Касби (лавозими)

“Узбекнефтегаз” АЖ маълумоти

Касби, лавозими	Жабрланганларни сони
Куювчи-тўкувчи	1
Қозончи	1
Ёрдамчи бурғиловчи	1
Электрмеханик	1
Электрмонтёр	1
Монтажчи	1
Электргазпайвандчиси	1
Автомобиль хайдовчиси	1